**Бажарилиши уч йилга мўлжалланган амалий лойиҳалар танлови мавзуси**

| “Тиббиёт фанлари” йўналиши бўйича | | | |
|---|---|---|---|
| **№** | **Амалий лойиҳа мавзуси** | **Лойиҳа бажарилишидан кутилаётган натижа** | **Лойиҳанинг йиллик молиялаштириш ҳажми** |
| 1 | 2 | 3 | 4 |
| | Диафрагмаси шикастланган беморларда диагностика ва даволаш тактикасини белгиловчи дастурий маҳсулот ишлаб чиқиш<br><br> | **Тадқиқот шакли:** Диафрагмаси шикастланган беморларда диагностика ва даволаш тактикасини белгиловчи дастурий маҳсулот ишлаб чиқиш бўйича амалий лойиҳа бажарилади.<br>**Илмий тадқиқот натижалари:**<br>- замонавий юқори технологик даволаш-дагностика асбоб-ускуналарининг янги имкониятларидан келиб чиқиб қўшма шикастланишлари, шу жумладан диафрагма шикастланишлари бўлган беморларни диагностика қилиш ва хирургик даволашга бўлган анъанавий ёндашувлар қайта кўриб чиқилади ва такомиллаштирилади;<br>- диафрагманинг очиқ ва ёпиқ шикастланишларида шошилинч видеоторакоскопияга ва видеолапароскопияга бўлган кўрсатмалар кенгайтирилади, видеоэндохирургик амалиётлар техникаси ҳамда қўлланиладиган асбоблар такомиллаштирилади ва янгилари яшлаб чиқилади;<br>- диафрагма шикастланишларини бартараф қилиш учун оптимал бўлган хирургик кесимни танлаш бўйича аниқ тавсиялар илк бора ишлаб чиқилади;<br>- диафрагма шикастланишларида диагностика ва хирургик даволаш тактикасини танлаш бўйича янги қоидалар, ёндашувлар ва тавсияларни ўзида жам қилган алгоритмни клиник амалиётда қўллаш учун дастурий махсулот ишлаб чиқилади.<br>**Натижаларни синовдан ўтказиш:** Дастурий маҳсулот республика шошилинч тиббий ёрдам марказининг ҳудудий филиалларида синовдан синовдан ўтказилади.<br>**Илмий натижаларни чоп этиш:** Тадқиқот натижаларига интеллектуал мулк объектлари учун тегишли хужжатлар олинади. Нуфузли илмий журналларда ва Web of Science ҳамда Scopus маълумотлар базасида индексацияланган журналларда илмий мақолалар чоп этилади. | **0,6 млрд сўм** |
| **Жами йиллик:** | | | **0,6 млрд сўм** |

***Амалий лойиҳанинг умумий молиялаштириш ҳажми 1,8 млрд сўм ва бажарилиши уч йилга мўлжалланган.**

**Бажарилиши бир йилга мўлжалланган амалий лойиҳалар танлови мавзуси**

| “Тиббиёт фанлари” йўналиши бўйича | | | |
|---|---|---|---|
| **№** | **Амалий лойиҳа мавзуси** | **Лойиҳа бажарилишидан кутилаётган натижа** | **Лойиҳанинг йиллик молиялаштириш ҳажми** |
| 1 | 2 | 3 | 4 |
| | Клиник, молекуляр-генетик ва биокимёвий тадқиқотлар асосида нодемент когнитив бузилишларни эрта босқичларида шифокорлар учун скрининг қилишнинг янги дастурий маҳсулотини яратиш   | **Тадқиқот шакли:** Клиник, молекуляр-генетик ва биокимёвий тадқиқотлар асосида нодемент когнитив бузилишларни эрта босқичларида шифокорлар учун скрининг қилишнинг янги дастурий маҳсулотини ишлаб чиқиш бўйича амалий лойиҳа бажарилади.<br>**Илмий тадқиқот натижалари:**<br>- деменция олди когнитив бузилишларни эрта ташхислашнинг янги критериялари (клиник, молекуляр-генетик ва биокимёвий) ишлаб чиқилади;<br>- когнитив бузилиши хавфи бор беморларни юқори аниқликда, патологик жараён клиник белгилари юзага чиқишидан анча аввал аниқлаш имкони яратилади;<br>- когнитив бузилишларни олдиндан аниқловчи мутлақо янги усул тавсия этилиб, юқори самарали, хафвсиз, қулай, патогенетик асосланган, маҳаллий воситалардан фойдаланган ҳолда когнитив бузилишларни профилактика қилиш ва даволаш усулларини ишлаб чиқишга имкон беради;<br>- натижалари асосида когнитив бузилишларни эрта босқичларида скрининг қилишнинг янги дастурий маҳсулоти (аҳоли ва шифокорлар учун мобиль дастурлар) яратилади.<br>**Натижаларни синовдан ўтказиш:** Тадқиқот натижалари тиббиёт академиясининг клиникалари ва вилоят клиникалари, поликлиникаларидан синовдан ўтказилади.<br>**Илмий натижаларни чоп этиш:** Тадқиқот натижаларига интеллектуал мулк объектлари учун тегишли ҳужжатлар олинади. Нуфузли илмий журналларда ва Web of Science ҳамда Scopus маълумотлар базасида индексацияланган журналларда илмий мақолалар чоп этилади. | **0,8 млрд сўм** |
| **Жами йиллик:** | | | **0,8 млрд сўм** |

***Амалий лойиҳанинг умумий молиялаштириш ҳажми 0,8 млрд сўм ва бажарилиши бир йилга мўлжалланган.**

**Бажарилиши икки йилга мўлжалланган амалий лойиҳалар танлови мавзуси**

| “Тиббиёт фанлари” йўналиши бўйича | | | |
|---|---|---|---|
| **№** | **Амалий лойиҳа мавзуси** | **Лойиҳа бажарилишидан кутилаётган натижа** | **Лойиҳанинг йиллик молиялаштириш ҳажми** |
| 1 | 2 | 3 | 4 |
| | Билак суяги дистал қисми ўсмаларида ҳамда ўсмасимон ҳосилаларда зарарланган суякни алмаштириш учун янги эндопротезни яратиш   | **Тадқиқот шакли:** Билак суяги дистал қисми ўсмаларида ҳамда ўсмасимон ҳосилаларда зарарланган суякни алмаштириш учун янги эндопротезни яратиш бўйича амалий лойиҳа бажарилади.<br>**Илмий тадқиқот натижалари:**<br>- янги индивидуал эндопротезни ишлаб чиқиш ва орган сақловчи жарроҳлик даволаш усулини такомиллаштириш орқали дистал билак суяги ўсмалари ва ўсмасимон ҳосилаларида даволаш натижалари яхшиланади;<br>- дистал билак суяги ва билак бўғимини алмаштириш учун эндопротез ишлаб чиқилади;<br>- янги эндопротездан фойдаланиш кўрсаткичларини ишлаб чиқиш ва яратилган эндопротезни клиник амалиётга татбиқ этиш орқали дистал билак суяги ўсмаларида орган сақловчи жарроҳлик даволаш усули такомиллаштирилади.<br>**Натижаларни синовдан ўтказиш:** Тадқиқот натижасида Ўзбекистонда биринчи марта билак дистал қисми суякни алмаштириш учун янги индивидуал эндопротез ишлаб чиқилади.<br>**Илмий натижаларни чоп этиш:** Тадқиқот натижаларига интеллектуал мулк объектлари учун тегишли ҳужжатлар олинади. Нуфузли илмий журналларда ва Web of Science ҳамда Scopus маълумотлар базасида индексацияланган журналларда илмий мақолалар чоп этилади. | **0,5 млрд сўм** |
| **Жами йиллик:** | | | **0,5 млрд сўм** |

***Амалий лойиҳанинг умумий молиялаштириш ҳажми 1,0 млрд сўм ва бажарилиши икки йилга мўлжалланган.***

**Бажарилиши икки йилга мўлжалланган амалий лойиҳалар танлови мавзуси**

| **“Тиббиёт фанлари” йўналиши бўйича** | | | |
|---|---|---|---|
| **№** | **Амалий<br>лойиҳа мавзуси** | **Лойиҳа бажарилишидан кутилаётган натижа** | **Лойиҳанинг йиллик молиялаштириш ҳажми** |
| 1 | 2 | 3 | 4 |
| | Бош мия функционал муҳим соҳаларида жойлашган ўсмаларни даволашнинг “уйғоқ жарроҳлик” усулини ишлаб чиқиш<br><br> | **Тадқиқот шакли:** Бош мия функционал муҳим соҳаларида жойлашган ўсмаларни даволашнинг “уйғоқ жарроҳлик” усулини ишлаб чиқиш бўйича амалий лойиҳа бажарилади.<br>**Илмий тадқиқот натижалари:**<br>- интраоперацион хариталаш ва беморни операция вақтида уйғотиб нутқ фаолиятини текшириш ва назорат қилишнинг тест тизимлари яратилади;<br>- мия тўқимасининг интраоперацион жарроҳлик травмаси қисқартирилиб, функционал муҳим соҳалардаги ўсмаларни олиб ташлаш радикаллиги оширилади;<br>- онкожараён қайталаниш эҳтимоллиги сусайтирилади;<br>- функционал муҳим соҳалардаги жарроҳлик сифати оширилади;<br>- беморларнинг ҳаёт сифати оширилиб, ногиронлик улуши пасайтирилади;<br>- функционал муҳим соҳаларда жойлашган ўсма касалликларини даволашнинг дифференциаллашган алгоритми ишлаб чиқилади.<br>**Натижаларни синовдан ўтказиш:** Тадқиқот натижалари ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт марказида синовдан ўтказилади.<br>**Илмий натижаларни чоп этиш:** Тадқиқот натижаларига интеллектуал мулк объектлари учун тегишли ҳужжатлар олинади. Нуфузли илмий журналларда ва Web of Science ҳамда Scopus маълумотлар базасида индексацияланган журналларда илмий мақолалар чоп этилади. | **0,6 млрд сўм** |
| **Жами йиллик:** | | | **0,6 млрд сўм** |

**Амалий лойиҳанинг умумий молиялаштириш ҳажми 1,2 млрд сўм ва бажарилиши икки йилга мўлжалланган.*

**Бажарилиши икки йилга мўлжалланган амалий лойиҳалар танлови мавзуси**

| **“Тиббиёт фанлари” йўналиши бўйича** | | | |
|---|---|---|---|
| **№** | **Амалий лойиҳа мавзуси** | **Лойиҳа бажарилишидан кутилаётган натижа** | **Лойиҳанинг йиллик молиялаштириш ҳажми** |
| 1 | 2 | 3 | 4 |
| | Тизза бўғимини шакллантирувчи суяк ўсмаларида янги персоналлаш тирилган эндопротез ишлаб чиқиш   | **Тадқиқот шакли:** Тизза бўғимини шакллантирувчи суяк ўсмаларида янги персоналлаш тирилган эндопротез ишлаб чиқиш бўйича амалий лойиҳа бажарилади.<br>**Илмий тадқиқот натижалари:**<br>- тизза бўғимини ҳосил қилувчи суяк ўсмалари туфайли резекциядан кейин сон суяги ва тизза бўғими ўрнини қоплашга мўлжалланган янги конструкциядаги индивидуал эндопротез яратилади;<br>- сон суяги дистал қисми ўсмаларида аъзо сақловчи ва реконструктив қайта тиклаш хирургик даво усули такомиллаштирилади;<br>- реконструктив-қайта тикловчи жарроҳлик муолажаси беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилайди, реабилитация муддатини камайтиради ва меҳнатга лаёқатини тиклайди.<br>**Натижаларни синовдан ўтказиш:** Тадқиқот натижалари Ўзбекистон Республикаси ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказида синовдан ўтказилади.<br>**Илмий натижаларни чоп этиш:** Тадқиқот натижаларига интеллектуал мулк объектлари учун тегишли ҳужжатлар олинади. Нуфузли илмий журналларда ва Web of Science ҳамда Scopus маълумотлар базасида индексацияланган журналларда илмий мақолалар чоп этилади. | **0,7 млрд сўм** |
| **Жами йиллик:** | | | **0,7 млрд сўм** |

**Амалий лойиҳанинг умумий молиялаштириш ҳажми 1,4 млрд сўм ва бажарилиши икки йилга мўлжалланган.*

**Бажарилиши икки йилга мўлжалланган амалий лойиҳалар танлови мавзуси**

| “Тиббиёт фанлари” йўналиши бўйича | | | |
|---|---|---|---|
| **№** | **Амалий лойиҳа мавзуси** | **Лойиҳа бажарилишидан кутилаётган натижа** | **Лойиҳанинг йиллик молиялаштириш ҳажми** |
| 1 | 2 | 3 | 4 |
| | Ҳомила юз-жағ соҳаси ривожланишининг туғма нуқсонларини эрта ташҳислаш ва текшириш учун молекуляр маркерлар панел-платформасини ишлаб чиқиш   | **Тадқиқот шакли:** Ҳомила юз-жағ соҳаси ривожланишининг туғма нуқсонларини эрта ташҳислаш ва текшириш учун молекуляр маркерлар панел-платформасини ишлаб чиқиш бўйича амалий лойиҳа бажарилади.<br>**Илмий тадқиқот натижалари:**<br>- юз-жағ соҳасининг ривожланишида туғма нуқсон ташҳиси қўйилган беморларда клиник, лаборатория ва инструментал тадқиқотлар ўтказиш. Юз-жағ соҳасининг ривожланишида туғма нуқсон бўлган беморларга тиббий-генетик маслаҳат (генеологик маълумот тузиш орқали) берилиб, юз-жағ соҳасининг ривожланишида туғма нуқсони бўлган болалар туғилиш хавфи юқори бўлган оилаларнинг хавф гуруҳлари базаси шакллантирилади;<br>- янги хромосомал етишмовчиликлар ва генетик мутацион ўзгаришларни аниқлаш учун аллел ва кетма-кетликка хос олигопримерлар ишлаб чиқилади;<br>- юз-жағ соҳасининг ривожланишида туғма нуқсонлар аниқланган ҳомила ва чақалоқлар ташҳиси учун олигопример тизимларининг диагностик самарадорлигибаҳоланади;<br>- юз-жағ соҳасининг туғма нуқсони бўлган болаларда хромосомалар тўпламининг молекуляр кариотипи ўтказилиб, UGENE дастури ҳамда NCBI маркази ёрдамида ўзига хос геннинг генетик тузилишини ва хромосомал ўзгаришларини таҳлил қилинади, кўпламчи мутацион ўзгаришларни аниқланади, генлар ва хромосомаларнинг турли хил мутацияларини генетик жиҳатдан таҳлил этилади.<br>**Натижаларни синовдан ўтказиш:** Ҳомиланинг юз-жағ соҳаси ривожланишининг туғма нуқсонларини эрта ташҳислаш ва текшириш учун молекуляр маркерлар панел-платформасини ишлаб чиқиилади.<br>**Илмий натижаларни чоп этиш:** Тадқиқот натижаларига интеллектуал мулк объектлари учун тегишли ҳужжатлар олинади. Нуфузли илмий журналларда ва Web of Science ҳамда Scopus маълумотлар базасида индексацияланган журналларда илмий мақолалар чоп этилади. | **0,8 млрд сўм** |
| | | **Жами йиллик:** | **0,8 млрд сўм** |

****Амалий лойиҳанинг умумий молиялаштириш ҳажми 1,6 млрд сўм ва бажарилиши икки йилга мўлжалланган.***

**Бажарилиши икки йилга мўлжалланган амалий лойиҳалари танлови мавзуси**

| “Тиббиёт фанлари” йўналиши бўйича | | | |
|---|---|---|---|
| **№** | **Амалий лойиҳа мавзуси** | **Лойиҳа бажарилишидан кутилаётган натижа** | **Лойиҳанинг йиллик молиялаштириш ҳажми** |
| 1 | 2 | 3 | 4 |
| | Абдоминал сепсисли беморларни даволашда диагностик алгоритмлар ва персоналлаштирил-ган даволаш усулларини ишлаб чиқиш   | **Тадқиқот шакли:** Абдоминал сепсисли беморларни даволашда диагностик алгоритмлар ва персоналлаштирилган даволаш усулларини ишлаб чиқиш бўйича амалий лойиҳа бажарилади.<br>**Илмий-тадқиқот натижалари:**<br>- қорин бўшлиғи сепсисли беморларда турли хил антибактериал дорилар гуруҳларига қаршилик ва сезгирликни динамик баҳолаш фонида рационал антибиотик терапиясини ўтказиш диагностикаси ва оптимал тактикасини танлаш бўйича янги дастурлар ва тавсиялар ишлаб чиқилади;<br>- соҳага оид замонавий тиббий диагностика ва даволаш технологияларидан фойдаланган ҳолда катта клиник материалларда синовдан ўтказилади;<br>- антибиотикларга чидамлилигини ривожланишини баҳолаш, шунингдек қорин сепсисини даволашнинг шахсийлаштирилган стратегиясини танлаш учун интеграл кўрсаткичлар ишлаб чиқилади;<br>- оғир абдоминал сепсис билан асоратланган таркок перитонитда ривожланадиган касалхона ички инфекциясини антибиотикларга чидамлилиги буйича батафсил таҳлил қилиш асосида янги ёндашувлар ишлаб чиқилади;<br>- операцидан кейинги жаррохлик амалиётини мувофиқлаштириш учун тарқоқ перитонитда босқичли ва режали релапоротомияларга янги ёндашувлар ишлаб чиқилади.<br>**Натижаларни синовдан ўтказиш:** Тадқиқот натижалари клиникаларнинг жарроҳлик бўлимларининг клиник амалиётида синовдан ўтказилади.<br>**Илмий натижаларни чоп этиш:** Тадқиқот натижаларига интеллектуал мулк объектлари учун тегишли хужжатлар олинади. Нуфузли илмий журналларда ва Web of Science ҳамда Scopus халқаро маълумотлар базасида индексацияланган журналларда илмий мақолалар чоп этилади. | **0,5 млрд сўм** |
| **Жами йиллик:** | | | **0,5 млрд сўм** |

***Амалий лойиҳанинг умумий молиялаштириш ҳажми 1,0 млрд сўм ва бажарилиши икки йилга мўлжалланган.**

**Бажарилиши икки йилга мўлжалланган амалий лойиҳалар танлови мавзуси**

| “Тиббиёт фанлари” йўналиши бўйича | | | |
|---|---|---|---|
| **№** | **Амалий лойиҳа мавзуси** | **Лойиҳа бажарилишидан кутилаётган натижа** | **Лойиҳанинг йиллик молиялаштириш ҳажми** |
| 1 | 2 | 3 | 4 |
| | Бош мия ўсмасини халқ табобати йўли билан олдини олиш ҳамда даволаш<br> | **Тадқиқот шакли:** Бош мия ўсмасини халқ табобати йўли билан олдини олиш ҳамда даволаш бўйича амалий лойиҳа бажарилади.<br>**Илмий тадқиқот натижалари:**<br>- халқ табобатига оид республика ва дунё миқёсидаги бош мия ўсмасини даволаш бўйича мавжуд илмий адабиётлар, табиблар амалётида қўлланиб келаётган касалликни олдини олиш, ташхислаш ва даволашга оид маълумотлар тўпланиб, электрон базаси шакллантирилади;<br>- касалликнинг тарқалиши, касалларнинг ёши, жинси, яшаш шароитиҳаёт тарзига боғлиқлиги, касалликнинг келиб чиқиш сабаблари ўрганилиб, касалликнинг олдини олиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилади;<br>- касалликни олдини олиш, касалликнинг ўзига хос белгилари асосида олдиндан тўғри ва аниқ ташхис қилиниб, беморнинг мижозига кўра овқатланишда махсус парҳезлар рациони ишлаб чиқилади;<br>- бош мия ўсмаси касаллигини халқ табобати усулида даволашда фойдаланиладиган ўсимлик, минерал ва ҳайвон воситаларининг кимёвий таркиби таҳлил қилинади, улардан саратонга қарши хусусиятга эга бўлганларини ажратиб олиш технологияси ишлаб чиқилади;<br>- бош мия ўсмасини халқ табобати йўли олдини олиш ҳамда даволаш технологиясини ишлаб чиқилади.<br>**Натижаларни синовдан ўтказиш:** Тадқиқот натижалари бош мия ўсмаси билан касалланган беморларда синовдан ўтказилади.<br>**Илмий натижаларни чоп этиш:** Тадқиқот натижаларига интеллектуал мулк объектлари учун тегишли хужжатлар олинади. Нуфузли илмий журналларда ва Web of Science ҳамда Scopus маълумотлар базасида индексацияланган журналларда илмий мақолалар чоп этилади. | **0,7 млрд сўм** |
| **Жами йиллик:** | | | **0,7 млрд сўм** |

***Амалий лойиҳанинг умумий молиялаштириш ҳажми 1,4 млрд сўм ва бажарилиши икки йилга мўлжалланган.**